

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.В.20.04 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАМРОҚУЛОВА ЗЕБИНИСО ХАМРОКУЛОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШИМОЛИ-ШАРҚИЙ МИНТАҚАСИ  
КЕМИРУВЧИЛАР (RODENTIA) ТУРКУМИНИНГ  
ГЕЛЬМИНТОФАУНАСИ, ЭКОЛОГИЯСИ ВА АҲАМИЯТИ**

**03.00.06 – Зоология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус–2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Хамрокулова Зебинисо Хамрокуловна**

Ўзбекистоннинг Шимоли-шарқий минтақаси кемирувчилар

(Rodentia) туркумининг гельминтофаунаси, экологияси ва

аҳамияти..... 3

**Хамрокулова Зебинисо Хамрокуловна**

Гельминтофауна, экология и значение отряда грызунов (Rodentia)

Северо-восточного региона Узбекистана..... 23

**Xamrokulova Zebiniso Xamrokulovna**

Helminth fauna, ecology and significance of the rodents order

(Rodentia) of North-eastern region of Uzbekistan..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works ..... 45

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.В.20.04 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАМРОҚУЛОВА ЗЕБИНИСО ХАМРОКУЛОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШИМОЛИ-ШАРҚИЙ МИНТАҚАСИ  
КЕМИРУВЧИЛАР (RODENTIA) ТУРКУМИНИНГ  
ГЕЛЬМИНТОФАУНАСИ, ЭКОЛОГИЯСИ ВА АҲАМИЯТИ**

**03.00.06 – Зоология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус–2020**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/V167 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.karsu.uz](http://www.karsu.uz)) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Сапаров Каландар Абдуллаевич**  
биология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Медетов Махсетбай Жапакович**  
биология фанлари доктори

**Сафарова Феруза Эргашевна**  
биология фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон миллий университети**

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.B.20.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «06» октябрь куни соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Университет мажлислар зали. Тел.: (+99861) 223-60-78, факс (+99861) 223-60-78, E-mail: [karsu\\_info@edu.uz](mailto:karsu_info@edu.uz))

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университети ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (7-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй, Тел.: (+99861) 223-60-78, факс (+99861) 223-60-78.

Диссертация автореферати 2020 йил «22» сентябр куни тарқатилди.  
(2020 йил «22» сентябрдаги 3-рақамли реестр баённомаси)



**М.А.Жуманов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

**А.И. Курбанова**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, б.ф.н., доцент

**Я.И.Аметов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда озиқ-овқат ишлаб чиқариш тармоқлари кўламининг изчил ривожланиши у билан боғлиқ қатор зарарли биологик объектлар сонининг ошишига олиб келмоқда. Бу ўринда, кемирувчилар ва уларда паразитлик қилувчи организмлар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг табиатдаги микдор кўрсаткичларининг ўзгариб туриши кўпгина саноат мажмуалари фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Шунга кўра, кемирувчилар гельминтофаунасини ўрганиш ва зараркунанда вакилларига қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш долзарб илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда зараркунанда биологик объектлар, жумладан, кемирувчилар ва улар трансмиссияси натижасида келиб чиқадиган турли касалликлар ҳамда уларнинг иқтисодий зарарининг илмий асосланган ҳолда олдини олиш ва бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, иқтисодий тармоқларнинг фаолияти ва локал ҳудудлар хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда зарарли кемирувчи турлари инвентаризация қилинди, улар динамикасига таъсир этувчи омиллар баҳоланди ва кураш чоралари ишлаб чиқилди. Алоҳида таъкидлаш лозимки, кемирувчиларнинг кўпгина вакиллари уй ва ёввойи ҳайвонлар ҳамда инсонларда жиддий гельминтоз касалликларни келтириб чиқарувчи гельминтларнинг асосий, оралик ва кўшимча хўжайини вазифасини бажариб, уларнинг зарар кўлами, айниқса, урбанлашган ҳудудларда эпизоотологик ва эпидемиологик нуқтаи-назардан муҳим саналади. Бу ўринда, урбанлашган ҳудудлардаги кемирувчиларнинг фаол биологик ритми ва репродукцияси уларда паразитлик қилувчи гельминтларнинг ҳам атроф-муҳитга тез тарқалиши, ривожланиш циклининг фаоллашиши, турли хўжайин организмлари ва уларга қарши кураш воситаларига юқори мослашувчанликни намоён этишига олиб келмоқда. Шунга кўра, кемирувчилар паразитофаунасининг экологик ва фаунистик хусусиятларини ўрганиш, гельминтозлар эпидемиологияси ва эпизоотологиясида микромаммалиялар гельминтофаунасининг аҳамиятини баҳолаш алоҳида илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ҳозир республикамызда аҳоли саломатлигини сақлаш, эпидемиологик барқарорликни таъминлаш, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини турли касалликлардан ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, паразитар касалликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни такомиллаштириш борасида маълум ютуқларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> жумладан, «...агросаноат мажмуасининг чорвачилик тармоқларини изчил ривожлантириш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, Ўзбекистоннинг Шимоли-шарқий минтақаси кемирувчилар туркумининг гельминтофаунасини аниқлаш, уларнинг экологияси ва аҳамиятини баҳолаш,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

уларга қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш алоҳида илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 сентябрдаги “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги” Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги ПҚ-4790-сон «Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технология ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёнинг кўплаб мамлакатларида микромаммалияларнинг гельминтофаунаси, уларнинг одам ва фойдали ҳайвонларда бир қатор паразитар касалликларининг келиб чиқишидаги роли бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган (V. Baruš et al., 1976; M. Dürette-Desset, 1969; F. Tenora, F. Meszaros, 1968; S. Yamaguti, 1963, 1970; R. Anderson, 2000; D. Gibson, 2002).

МДХ нинг бир қатор мамлакатларида кемирувчи гельминтофаунаси ва экологиясига оид илмий тадқиқотлар амалга оширилиб, микромаммалияларнинг паразит турлари хилма-хиллигининг минтақавий хусусиятлари тадқиқ этилган (Г.В. Мацаберидзе, 1966; И.В. Меркушева, 1972; Е.В. Надточий, В.Л. Контримавичус, А.К. Цимбалюк, 1971; М.М. Токобаев, 1976; Рыжиков ва бош., 1978, 1979; Ф.Б. Хуранов, 2000; А.В. Кривопапов, 2011; В.В. Ерофеева, 2016).

Ўзбекистонда майда сутэмизувчилар паразитофаунаси бўйича тадқиқотлар маҳаллий муаллифларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топиб, Фарғона водийси, Оролбўйи минтақаси ва қисман Жиззах вилоятининг кемирувчилар, ҳашаротхўрлар ва қуёнсимонларининг гельминтофаунаси ўрганилган (М.А. Султанов ва бошқ., 1969, 1971, 1975; Н. Давлатов, 1970; Е. Кошанов, 1972; Т.К. Кабилов ва бошқ., 1986; Е.А. Быкова, 2002). Юқорида қайд этилган муаллифларнинг тадқиқот натижалари анча эскирган бўлиб, ушбу маълумотлар шимолий-шарқий Ўзбекистоннинг минтақаси учун мутлақо етарли эмас. Шунга кўра, Ўзбекистоннинг шимолий-шарқий қисмидаги кемирувчилар гельминтофаунасининг замонавий тузилиши ҳамда одам ва қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари учун умумий бўлган паразитлар, жиддий касаллик қўзғатувчилари – антропозоонозларни аниқлаш паразитология фани ва амалиётининг долзарб вазифасидир.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим**

**муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Зоология ва анатомия кафедраси илмий-тадқиқот мавзулари ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан эълон қилинган республика ёш олимларининг инновацион лойиҳаси №7 «Ўзбекистоннинг Шимоли-шарқда тарқалган кемирувчилар гельминтофаунасини ўрганиш ва уларга қарши кураш воситалар ишлаб чиқиш» (2019) ҳамда ЎзР ФА Зоология институтида №ВА-ФА-Ф-5-007 “Ўзбекистон ҳайвонлари паразитлари - Spirurida Chitwood, 1933 туркуми нематодалари популяцион экологияси, эволюцияси ва таксономияси” (2017-2020йй) номли фундаментал лойиҳаси доирасида амалга оширилди.

**Тадқиқотнинг мақсади** кемирувчиларнинг гельминтофаунаси ва экологиясининг тузилиши, инсонлар ва фойдали ҳайвонлар учун умумий бўлган паразит турларини аниқлаш ва майда сутэмизувчилар гельминтофаунасининг Ўзбекистон шимоли-шарқдаги табиий ва урбанлашган экотизимлардаги аҳамиятини очиқ беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Шимоли-шарқий Ўзбекистон биоценозларида кемирувчиларда паразитлик қилувчи гельминтларнинг турлар хилма-хиллигини аниқлаш;  
урбанлашган ҳудудларда сичқонсимон кемирувчилар гельминтофаунасининг шаклланиш хусусиятларини аниқлаш;

Cestoda, Trematoda, Acanthocephala ва Nematoda синфлари тизимида аниқланган гельминт турларининг таксономик хусусиятларини изоҳлаш;

алоҳида гуруҳ хўжайинларининг популяциялари ва уларнинг жамоаси ҳар бир тур паразитлари билан зарарланиш параметрларини аниқлаш;

кемирувчилар гельминтлари ва бошқа ҳайвон гуруҳларининг биоценостик алоқаларини аниқлаш;

Шимоли-шарқий Ўзбекистон кемирувчилари гельминтофаунасининг эпизоотологик ва эпидемиологик аҳамиятини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** Шимоли-шарқий Ўзбекистон кемирувчилари ва уларнинг паразит чувалчанглари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** кемирувчилар гельминтларининг тур ва таксономик хилма-хиллиги, кемирувчилар гельминтофаунасининг шаклланиш хусусиятлари ва бошқа ҳайвонлар гуруҳлари билан биоценостик муносабатлари, Шимоли-шарқий Ўзбекистон кемирувчилари гельминтларининг экологик-эпизоотологик ва эпидемиологик аҳамияти ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда гельминтологик, паразитологик, экологик, статистик ва қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Шимоли-шарқий Ўзбекистон кемирувчилари гельминтларининг 4 синфга мансуб, 46 та тури аниқланган;

илк бор Шимоли-шарқий Ўзбекистонда тарқалган кемирувчиларнинг 30 турга мансуб гельминтлари аниқланган;

илк бор Ўзбекистонда олмахоннинг 11 турдан иборат гельминтофаунаси идентификацияланган;

урбанлашган ҳудудлардаги сичқонсимон кемирувчилар гельминтофаунасининг тузилиши очиб берилган;

гельминт хўжайинлари ва кемирувчиларнинг бошқа ҳайвонлар гуруҳлари билан биоценотик алоқалари баҳоланган;

кемирувчи гельминтларининг таксономик хусусиятлари ва турларнинг паразит билан зарарланиш параметрлари асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Шимоли-шарқий биогеоценозларидаги кемирувчилар гельминтларининг таксономик характеристикаси тақдим қилинган ва ҳар бир тур учун инвазия экстенсивлиги ва интенсивлиги ҳамда уларнинг Cestoda, Trematoda, Acanthocephala ва Nematoda синфларининг замонавий тизимидаги ҳолати аниқланган;

Шимоли-шарқий Ўзбекистон кемирувчилари гельминтларининг экологик-эпидемиологик аҳамияти баҳоланган;

антропозооноз гельминтозларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ва уларга қарши кураш тактикаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда замонавий паразитологик, гельминтологик, экологик услублар қўллангани, натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилгани, морфометрик маълумотларнинг Biostat 3.8 (USA, [www.biostatsoft.com](http://www.biostatsoft.com)) дастури ёрдамида статистик таҳлил қилингани, диссертация тадқиқоти амалий натижалари ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқлангани ва амалиётга жорий этилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Шимоли-шарқий Ўзбекистон кемирувчиларининг паразит чувалчанглари замонавий фаунасини аниқланганлиги, тарқалиши ва экологик алоқалари, кемирувчилар гельминтлари ва бошқа ҳайвон гуруҳларининг биоценотик алоқалари очиб берилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти республикамиз вилоятларидаги кемирувчилар гельминтларининг экологик, эпизоотологик ва эпидемиологик хусусиятлари асосида уларга қарши тизимли кураш чораларини ишлаб чиқиш ва тарқалишини олдини олишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистоннинг Шимоли-шарқий минтақаси кемирувчилар (Rodentia) туркумининг гельминтофаунаси, экологияси ва аҳамиятини тадқиқ қилишда олинган илмий натижалар асосида:

кемирувчилар орқали юқадиган касалликлар диагностикаси ва кемирувчиларга қарши кимёвий кураш воситаси «Родентицид» ёрдамида олдини олиш чоралари Республика дезинфекция станциясининг Тошкент шаҳри ва Жиззах вилояти бўлимлари фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 7 августдаги 8-9-



10/794-сон маълумотномаси). Натижада, кемирувчилар зарарини Тошкент шаҳри корхоналарида 70-80%, Жиззах шаҳри, Арнасой ҳамда Шароф Рашидов туманларида 65-70% га камайтириш имконини берган;

кемирувчиларни паразит гельминтлари хилма-хиллигини ва шаҳар жойларда тарқалган сичқонсимон кемирувчиларнинг гельминтофаунасини шаклланиш хусусиятларини ҳамда инсонлардаги гельминтларнинг биоценотик алоқаларини аниқлаш тавсияномаси Тошкент, Сирдарё, Жиззах ва қисман Хоразм вилоятларида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг 2020 йил 1 июлдаги 02-02/8-1054-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу тавсиянома экологик вазият, шаҳарлар ва аҳоли яшаш пунктларининг хавфсизлиги ва экологик барқарорлигини таъминлаш ҳамда кемирувчилар гельминтларини мониторинг қилиш ва зарарини камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, 2 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, жумладан, 1 та тавсиянома; Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шундан 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 104 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда кемирувчилар гельминтофаунасини тадқиқот асослари**» деб номланган биринчи бобида Ўзбекистоннинг алоҳида минтақаларида олиб борилган тадқиқот натижалари атрофлича ёритилган.

Кемирувчилар гельминтларининг фаунаси ва экологиясига оид маълумотларни ўз ичига олган ишлар таҳлил қилинган ва бу каби тадқиқотни Шимоли-шарқий минтақа мисолида ўтказишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Бу тилга олинган ҳудудда кўп миқдорда сут, гўшт-сут ва гўшт етиштириш йўналиши қишлоқ хўжалик ҳайвонлари (қўй, эчки, қора мол, от ва бошқ.) боқилиши билан ҳам белгиланадики, кемирувчилар бу ҳайвонлар учун қатор гельминтоз касалликлар резервуари ҳисобланади. Қолаверса, кемирувчилар гельминтларининг бир неча тури одамда ҳам паразитлик қилиши мумкин. Шуларнинг ҳаммаси ушбу диссертация иши мавзусининг танланишини белгилаб берганлиги ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ҳудудининг қисқача табиий-географик тавсифи, материал ва методлар**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олиб борилган ҳудуд ва материал методика ҳақида маълумотлар келтирилган.

Бобнинг биринчи бўлимида ўрганилаётган, республикамизнинг учта маъмурий ҳудудини (Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари) қамраб олган минтақанинг табиий-географик хусусиятларига оид қисқача материаллар келтирилган. Бу ҳудудда чорвачилик секторларини муваффақиятли ривожлантириш учун амалда барча ландшафтлар мавжуд. Тегишли ландшафт зоналарида гельминтларнинг оралик ва дефинитив хўжайини бўлган кемирувчиларнинг кўп сонли турлари тарқалган.

Бобнинг иккинчи бўлими тадқиқот материаллари ва методларига бағишланган. Кемирувчилардан паразитологик материал учта: Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари табиий-хўжалик туманларида йилнинг барча фаслларида тўпланган. Ушбу иш учун Ўзбекистон Шимоли-шарқида тарқалган кемирувчилардан йиғилган паразит чувалчанглар тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилган. Тадқиқот 2018-2020 йиллар давомида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Зоология ва анатомия кафедраси ҳамда ЎзР ФА Зоология институти умумий паразитология лабораторияси базасида бажарилган.

Тутилган кемирувчилар К.И. Скрябиннинг (1928) тўлиқ гельминтологик

ёриб кўриш методи асосида тадқиқ қилинди. Жами 1057 та кемирувчи ўрганилди. Нематодалар Барбагалло суюқлигида, ясси чувалчанглар эса 70% ли этил спиртида фиксацияланди. 12 турдаги хайвонлар гельминтофаунаси таҳлил қилинди. Паразитларни тур бўйича идентификациялаш тадқиқотчиларнинг ишларида келтирилган аниқлагичлар ва тавсифларга мувофиқ бажарилди.

Кемирувчиларнинг гельминтлар билан зарарланганлик даражасини баҳолашда стандарт паразитологик кўрсаткичлар: инвазия экстенсивлиги (ИЭ) (%), инвазия интенсивлиги (ИИ) (нусха) тадқиқ қилинди.

Паразитологик материалларни қайта ишлаш жараёни лаборатория шароитларида амалга оширилди. Морфологияни ўрганиш стереоскопик ЛОМА МБ С-10, инвертирланган СК2-TR (Olimpus Japan) ва бинокуляр VL-2200 (Olimpus Japan) микроскоплардан фойдаланган ҳолда вақтинчалик ва доимий препаратларда олиб борилди, статистик қайта ишлаш Statistica V.6.0 Windows дастурида амалга оширилди.

Диссертациянинг учинчи боби «**Шимоли-шарқий Ўзбекистон кемирувчилар гельминтофаунасининг эколого-фаунистик таҳлили**» деб номланиб, унда кемирувчилар гельминтларининг фаунистик комплекслари ва уларнинг экологик омилларга боғлиқлиги асосланган.

Санитар-эпизоотологик аҳамиятга эга бўлган кемирувчилар гельминтлари фаунасини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Маълумки, одам, уй ва овладиган-саноат аҳамиятига эга бўлган хайвонларда қатор патоген гельминтозлар кемирувчилар – инвазияларнинг табиий резервуарлари орқали тарқалади.

Тадқиқ қилинган кемирувчиларнинг гельминтлар билан умумий зарарланганлиги 354 бош хайвонда қайд қилинди, бу 33.5% ташкил қилди (1-жадвал). Кемирувчилар алоҳида турларининг паразит чувалчанглар билан зарарланганлик кўрсаткичлари тубдан фарқ қилади: кумсичқонларда (21.4-41.7%), юмронқозикларда (24.0-46.1%), Северцов қўшоёғида (37.9%), уй сичқонларида (42%) ва кулранг каламушларда (50.4%). Энг паст зарарланиш кўрсаткичи ондатраларда намоён бўлди 2,7%.

Ўзбекистон Шимоли-шарқида тарқалган кемирувчилар гельминтофаунаси структураси 27 авлод, 20 оила, 9 туркум ва 4 синфга мансуб 46 та турни ўз ичига олади:

#### **Cestoda – Цестодалар:**

1. *Paramoplocephala transversaria* (Krabbe, 1879).
2. *Catenotaenia criceterum* Kirschenblatt, 1949.
3. *Catenotaenia dendritica* (Goeze, 1782).
4. *Catenotaenia rhombomydis* Schulz et Landa, 1934.
5. *Catenotaenia pusilla* (Goeze, 1782).
6. *Mathevotaenia symmetrica* (Baylis, 1927).
7. *Hymenolepis diminuta* (Rudolphi, 1819).
8. *Hymenolepis horrida* (Linstow, 1901).
9. *Dipylidium caninum* (L., 1758), larvae.
10. *Taenia hydatigena* (Pallas, 1766).

11. *Taenia macrocystis* (Diesing, 1850), larvae.
12. *Taenia pisiformis* (Bloch, 1780).
13. *Taenia crassiceps* (Ledec, 1800), larvae.
14. *Hydatigera taeniaeformis* (Batsch, 1786), larvae.
15. *Hydatigera krepkogorski* (Schulz et Landa, 1934), larvae.
16. *Mesocestoides lineatus* (Goeze, 1782), larvae.
17. *Rodentolepis straminea* (Goeze, 1782).

**Trematoda – Трёматодалар:**

18. *Echinostoma armigerum* (Barker et Irvine, 1915).
19. *Echinostoma mijagawai* (Ischii, 1932).
20. *Brachylaemus aequans* (Looss, 1899).
21. *Brachylaemus recurvus* (Djardin, 1845).
22. *Dicrocoelium dendriticum* (Stiles et Hassall, 1896).

**Acanthocephala – Скребнялар:**

23. *Moniliformis moniliformis* (Bremser, 1811).

**Nematoda – Нематодалар:**

24. *Armocapillaria sadovskajae* (Morosov, 1959).
25. *Trichocephalus cutcasheni* (Petrov et Sadichov, 1957).
26. *Trichocephalus citellorum* (Kirschenblatt, 1939).
27. *Trichocephalus muris* (Schrank, 1788).
28. *Trichocephalus rhomlomydis* (Schulz et Landa, 1934).
29. *Trichocephalus spalacis* (Petrov et Potechina, 1953).
30. *Trichocephalus nutria* (Schulz et Petrov, 1933).
31. *Heligmosomoides ryjikovi* (Nadtochy et al., 1971).
32. *Heligmosomoides polygyrus* (Dujardin, 1845).
33. *Ganguleterakis spumosa* (Schneider, 1866).
34. *Aspiculuris schulzi* (Popov et Nasarova, 1930).
35. *Aspiculuris tetraptera* (Nitsch, 1821).
36. *Aspiculuris asiatica* (Schulz, 1927).
37. *Syphacia obvelata* (Rudolphi, 1802).
38. *Syphacia stroma* (Linstow, 1884).
39. *Gongylonema problematicum* (Schulz, 1924).
40. *Gongylonema neoplasticum* (Fibiger et Ditlovsen, 1914).
41. *Streptophiagus kutassi* (Schulz, 1927).
42. *Subulura citelli* (Sulimov, 1961).
43. *Spirocerca fedtschenkoi* (Davlatov, 1970).
44. *Physoloptera massino* (Schulz, 1926).
45. *Mastophorus muris* (Gmelin, 1790).
46. *Dipetalonema viteae* (Крепкогорская, 1933).


Тадқиқот ишлари олиб борилган ҳудуддаги кемирувчиларнинг гельминтофаунаси 46 турдаги паразит чувалчанглардан 30 тури ҳудуд учун биринчи марта қайд этилган. Жиззах ва Сирдарё вилоятидаги кемирувчиларида 9 турга мансуб гельминтлар *Catenotaenia rhombomydis*, *Hydatigera krepkogorski*, *Moniliformis moniliformis*, *Trichocephalus rhomlomydis*, *Trichocephalus muris*, *Streptophiagus kutassi*, *Aspiculuris schulzi*,

*Syphacia obvelata* va *Dipetalonema viteae* илгари қайд этилган. Ўзбекистон Шимоли-шарқида тарқалган кемирувчилар гельминтларининг тур хилма-хиллиги анча бой бўлиб, уларнинг асосий қисмини цестодалар ва нематодалар ташкил қилади.

Худудда цестода синфига кирувчи Cyclophyllida (Braun, 1900) туркумининг *Paramoplocephala* (Lühe, 1910), *Catenotaenia* (Janicki, 1904), *Mathevotaenia* (Akhumian, 1946), *Hymenolepus* (Weinland, 1858), *Rodentolepis* (Spassky, 1954), *Dipylidium* (Lenckart, 1863), *Taenia* (Linnaeus, 1758), *Hydatigera* (Lomax, 1816), *Mesocestoides* (Vaillant, 1863) авлодларига мансуб 17 та тур мавжуд.

Ўрганилган худуддаги кемирувчиларда Trematoda синфининг 5 та тури: *Echinostoma armigerum* (Barker et Irvine, 1915), *Echinostoma mijagawai* (Ischii, 1932), *Brachylaemus aequans* (Looss, 1899), *Brachylaemus recurvus* (Djardin, 1845) va *Dicrocoelium dendriticum* (Stiles et Hassall, 1896) кузатилди. Охирги икки тур *Brachylaemus recurvus* (Djardin, 1845) va *Dicrocoelium dendriticum* (Stiles et Hassall, 1896) илгари Ўзбекистоннинг бошқа минтақаларида кемирувчиларда кузатилган (Азимов ва бошқ., 1965; Давлатов, 1970; Кошчанов, 1972). Юқорида қайд этилган трематода турлари ондатра ва уй сичқонларида аниқланди.

Ўрганилган минтақада Acanthocephala синфининг битта вакили – *Moniliformis moniliformis* (Bremser, 1811) сариқ, реликт юмронқозиқ ва Северцов кўшоёғида аниқланди.



**1-расм.** Ўзбекистон Шимоли-шарқий гельминтлари таксономик гуруҳларининг ўзаро нисбати (оригинал).

Нематода синфининг Trichocephalida, Rhabditida, Oxyurida va Spirurida туркумларига кирувчи 23 тур қайд этилди. Ўзбекистон Шимоли-шарқида энг

бой тур хилма-хиллиги билан Spirurida туркуми тавсифланади – кемирувчиларнинг ҳар хил турларида нематодаларнинг 9 та тури қайд этилди. Нематодаларнинг қайд қилинган турлари асосан овқат ҳазм қилиш тизими паразитлари (22 та тур) бўлиб чиқди.

Ўрганилаётган кемирувчиларда синф даражасида гельминтларнинг турлари хилма-хиллиги бир хилда эмас (1-расм), бу эҳтимол ўрганилаётган ҳудуднинг табиий ва экологик шароитларига боғлиқ.

Тажрибалар натижасида маълум бўлдики, кемирувчиларнинг алоҳида турлари ва гуруҳларининг гельминтлар нисбати турли хил (1-жадвал, 2-расм).


### 1-жадвал

#### Турли оиллага мансуб кемирувчиларда алоҳида синф гельминтлари турлари сони

Оила	Уму мий сон	Кемирувчилар паразитлар							
		Цестодалар		Трематодалар		Акантоцефа лалар		Нематодалар	
		Сони	%	Сони	%	Сони	%	Сони	%
Sciuridae – Олмаҳонлар	25	11	44	2	8	1	4	11	44
Muocastoridae – Нутриялар	2	1	50	-	-	-	-	1	50
Allactagidae – Катта қўшоёқлар	9	2	22.2	-	-	1	11.1	6	66.7
Cricetidae - Олаҳуржунлар	4	-	-	2	50	-	-	2	50
Gerbellidae - қумсичқонлар	18	7	38.9	-	-	-	-	11	61.1
Muridae - Сичқонсимонлар	21	9	42.8	2	9.5	-	-	10	47.6

Тадқиқотларимизда кемирувчилар оилаларида гельминтлар билан зарарланиш даражаси фарқ қилади, яъни олмахонлар 25 тур, сичқонсимонлар 21 тур, қумсичқонлар 18 тур, катта қўшоёқлар 9 тур, нутрия ва олаҳуржунларда 6 турдаги гельминтлар билан зарарланиш қайд этилди. Турли умуртқали ва умуртқасиз ҳайвонлар кемирувчилар гельминтлари учун оралик ва резервуар ҳўжайин вазифасини бажаришда катта аҳамиятга эга.

Кемирувчилар – сутэмизувчиларнинг қизиқарли туркумларидан бири бўлиб, уларнинг экологик мослашуви сувли шакллардан то ёғочли шаклларгача бўлган кенг диапазонга етган. Улар мамлакатимизнинг деярли барча ландшафт зоналарида тарқалган ва биологик хилма-хиллик компонентлари – ўрганилаётган минтақанинг ўсимлик ва ҳайвонот олами билан боғлиқ. Кемирувчилар ва уларнинг паразитларининг биологик алоқалари муайян ҳудудлардаги паразит чувалчанглар фаунасининг замонавий қиёфаси шаклланишига қўмаклашган.



**2-расм.** Кемирувчилар оилаларининг текширилган турларининг миқдори:  
 А – олмахонлар, Б – сичқонсимонлар, В – қумсичқонлар,  
 Г – Нутриялар, Д – олахуржунлар, Е – катта қўшоёқлар (оригинал).

Шунингдек, бу бўлимда кемирувчиларнинг ҳар хил алоқалари ва инвазиялар циркуляциясида гельминтларни узатиш йўллариининг аҳамияти ўрганилди.

Кемирувчилар гельминтлари циркуляциясида кўплаб гуруҳ хайвонлар (умуртқалилар ва умуртқасизлар) иштирок этади.

Халқали чувалчанглар бир қатор паразит чувалчанглар жумладан, *Артосапиллария сардовскаяе* нематодаси турини ҳаёт циклида оралиқ хўжайин сифатида иштирок этади (Morosov, 1959). Кемирувчиларнинг зарарланиши фақат ушбу нематода личинкалари билан зарарланган ёмғир чувалчанглари билан озиқланганда юз беради.

Сув моллюскалари *Echinostoma* авлодига мансуб нематодаларнинг иккита: *E. arnigerum* (Barker et Irvine, 1915) ва *E. mijagawai* (Ischi, 1932) каби турларига оралиқ хўжайинлари сифатида хизмат қилади. Кемирувчилар иккинчи оралиқ хўжайин сифатида хизмат қиладиган моллюскаларнинг инвазияланган метацеркарияларини ейиш орқали зарарланади.

Қуруқлик моллюскалари *Brachylaemus* авлодининг икки тур: *B. aequanus* (Looss, 1899) ва *B. recurvus* (Dujardin, 1845) учун оралиқ хўжайин сифатида эътироф этилган. Кемирувчилар ушбу трематода личинкалари билан зарарланган моллюскаларини ёки резервуар хўжайинларни ейиши орқали инвазияни ўзига юқтириб олиши аниқланди.

*Dicrocoelium dendriticum* (Stiles et Hassall, 1816) трематодаси учун биринчи оралиқ хўжайин - қуруқлик моллюскалари ва иккинчи оралиқ хўжайин эса - чумолилардир. Кемирувчилар метацеркариялар орқали

инвазивланган чумолилар билан озикланганда зарарланиши қайд этилди

Орибатид каналар. Орибатид каналарнинг аҳамиятини таҳлил қилганда шуни таъкидлаш лозимки, кўп сонли илмий мақолалар ва монографияларга қараганда, каналар сутэмизувчилар паразитлари – цестодаларнинг бир қатор турлари учун оралиқ хўжайин вазифасини бажариши қайд этилди. Тадқиқотларимизда улар 6 тур цестода: *Paramoplocephala transversaria* (Krabbe, 1879), *Catenotaenia cricetorum* (Kirschenblatt, 1949), *Catenotaenia dendritica* (Gaeze, 1782), *Catenotaenia rhombomydis* (Schulz et Landa, 1934), *Catenotaenia pusilla* (Goeze, 1782) учун оралиқ хўжайин вазифасини бажарса, каналарни озуқа (ўсимликлар) билан аралаштириб бирга ютиб юборганда зарарланади, яъни, *Mesocestoides lineatus* (Goeze, 1782) цестодасининг резервуар хўжайинлар – амфибиялар, рептилиялар, қушлар, сутэмизувчилар (шу жумладан кемирувчилар) ҳисобланади. Бу ҳолда кемирувчилар резервуар хўжайин вазифасини бажариши қайд этилган.

Бир қатор қаттиқ қанотлилар, тўғриқанотлилар, коллемболалар ва бургалар цестодаларнинг - *Mathevotaenia symmetrica* (Baylis, 1927), *Hymenolepus diminuta* (Rudolphi, 1819), *Hymenolepus horrida* (Linstow, 1901), *Rodentolepis straminea* (Goeze, 1782) ва *Dipylidium caninum* (L., 1758) турлари учун оралиқ хўжайинлар ҳисобланади. Келтирилган цестодларнинг охириги тури учун кемирувчилар оралиқ хўжайиндир.

Шунингдек, қаттиқ қанотлилар нематодаларнинг *Spirurida* туркумида ва акантоцефал *Moniliformis moniliformis* (Bremser, 1811) турларининг ривожланиш циклларида иштирок этади.

Жуфт қанотли ҳашаротлар *Dipetalonema viteae* (Крепкогорская, 1933) нематодасининг ташувчиси ҳисобланади, унинг етук шакллари Ўзбекистоннинг ўрганилаётган ҳудудида тарқалган кемирувчилар организмда паразитлик қилади.

Балиқлар, амфибиялар, рептилиялар кемирувчилар гельминтларининг резервуар хўжайинлари сифатида катта аҳамиятга эга. Балиқлар трематодаларнинг иккита тури; амфибия ва рептилиялар трематодаларнинг иккита тури, цестодаларнинг битта тури ва нематодаларнинг битта турининг ҳаётий циклида резервуар хўжайин сифатида иштирок этади.

Сутэмизувчилар – тоқ ва жуфт туёқлилар, кемирувчилар *Taenia* ва *Hudatigera* авлоди цестодаларининг 6 тури учун оралиқ хўжайин вазифасини бажаради. Уларнинг жинсий вояга етган шакллари йиртқичлар туркуми вакиллариининг ичагида паразитлик қилади.

Шундай қилиб, обликат ва факультатив паразитларнинг умумий 46 туридан 19 таси оралиқ ёки резервуар хўжайинлар билан озикланиши натижасида зарарланиши қайд этилди, бу – 41.3% ни ташкил қилади. Гельминтлар тухуми ёки личинкалари хўжайин организмга озуқаси ёки сувга механик аралашма сифатида тушиши натижасида кемирувчиларнинг гельминтофаунасини умумий сонининг 24 тури яъни 52.1% ни ташкил қилади. Биргина *Dipetalonema viteae* (Крепкогорская, 1933) нематодаси оралиқ хўжайин (қон сўрувчи чивинлар) орқали яъни асосий хўжайин қонини сўрганда оралиқ хўжайин танасига ўтади ва бундай зарарланиш 2.2 % ни




ташқил қилади.

Кемирувчилар гельминтофаунаси ҳамда бошқа туркум ва синфларга мансуб умуртқалилар орасидаги алоқаларни аниқлаш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз. 3- расмда келтирилган маълумотлар кўрсатадики, балиқларда *Echinostoma* авлоди трематодаларининг 2 та тури метацеркариялар босқичида паразитлик қилади. Бунда балиқлар иккинчи оралиқ хўжайин ёки резервуар хўжайин вазифасини ўтайди. Амфибиялар *Mesocestoides* (1 та тур), *Echinostoma* (2), *Spirocerca* (1) авлодлари 4 та тур гельминтларини узатишда иштирок этади. Кемирувчилар ва рептилиялар учун икки авлод (*Mesocestoides* ва *Spirocerca*) нинг 2 тури умумий ҳисобланади.

Қушларда *Echinostoma* (2 тур) ва *Mesocestoides* (1 тур) гельминтларнинг 3 та тури қайд қилинди, улар кемирувчиларнинг умумий паразитлари ҳисобланади.

Бошқа туркумларга мансуб сүтэмизувчиларда кемирувчилар гельминтофаунасининг 9 тури қайд қилинди. Улар қуйидаги авлодлар вакиллари: *Taenia*, *Mesocestoides*, *Dipylidium*, *Dicrocoelium*, *Moniliformis*, *Spirocerca*.



3-расм. Кемирувчилар ва бошқа синф умуртқалилар гельминтофаунасининг биоценодик алоқалари (оригинал).

Ушбу авлодларга мансуб гельминтларнинг аксарияти *Artiodactyla* туркуми жуфт туёқлиларида аниқланган. Бу авлодлар гельминтларининг

баъзи турлари сутэмизувчиларнинг айрим туркумларида – тоқ туёқлилар, қадоқоёқлилар, куёнсимонлар ва ҳашаротхўрларда ҳам қайд этилган.

Кемирувчилар гельминтофаунасининг бошқа ҳайвонлар синфлари ва туркумлари билан алоқаси ҳақида баён этилган материалларни умумлаштириб айтиш мумкинки, бу алоқа жуфт туёқлилар билан ҳам узвий боғлиқдир. Ўрганилган кемирувчилар гельминтларининг ўзаро алоқалари ҳам бошқа синфлар (балиқлар, амфибиялар, рептилиялар, қушлар) ҳамда сутэмизувчиларнинг бошқа туркумлари вакилларида етарлича яққол ифодаланган, улар Ўзбекистоннинг Шимоли-шарқий биоценозларидаги паразитларнинг ҳаёт цикллари ва инвазиялар циркуляциясида иштирок этади.

Шундай қилиб, паразитларнинг умуртқали хўжайинлар бўйича тақсимланиши хўжайиннинг адаптив радиацияси билан алоҳида турлар ёки гуруҳлар билан боғлиқ бўлиб, гельминтлар бошқа гуруҳ яъни мунтазам равишда алоқадор бўлмаган, аммо бир биоценозда яшайдиган умуртқали ҳайвонлар синфларида паразитлик қилиш қайд этилди. Эҳтимол, ушбу адаптив радиация – паразит чувалчангларнинг фаунистик комплекслари шаклланиш йўллариининг муҳим омилларидан биридир.

Диссертациянинг тўртинчи – «**Кемирувчилар гельминтларининг таксономик тавсифи**» деб номланган боби Ўзбекистон Шимоли-шарқий биоценозларида аниқланган кемирувчилар гельминтлари морфологиясининг хусусиятларини тавсифлашга бағишланган. Цестода, трематода, акантоцефал ва нематодалар тур таркибининг тавсифи гельминтларнинг ҳар бир турига оид батафсил маълумотларни ўз ичига олган. Уларнинг хўжайинлари, локализацияси, аниқланган ўринлари, биологияси, тарқалиши, зарарланиш кўрсаткичлари – инвазия экстенсивлиги ва интенсивлиги ҳамда уларнинг Cestoda, Trematoda, Acanthocephala ва Nematoda синфларининг замонавий тизимидаги ўрнига тааллуқли маълумотлар келтирилган.

Ўзбекистон Шимоли-шарқида тарқалган, тадқиқ қилинган кемирувчилар гельминтлари замонавий фаунасининг структураси умуртқасиз ҳайвонларнинг учта типига мансуб 4 та синф вакилларида иборат.

Cestoda синфи вакиллари 17 та турни (37%) ташкил этади. Улар Cyclophyllida туркуми, 4 кенжа туркум, 7 оила, 9 авлодга мансубдир. Ҳаёт цикллари хусусиятига кўра барча қайд этилган цестодалар оралик хўжайинлар иштирокида ривожланади. Аксарият кемирувчилар оралик хўжайинлар ролини ўйнайди.

Trematoda синфининг 3 та туркум, 3 та оиласи ва 3 та авлодга мансуб 5 та турдан иборат (11%). Санаб ўтилган трематодаларнинг ҳаётий циклида сув ва куруқлик моллюскалари, чумолилар иштирок этади.


Nematoda синфи гельминтлари энг кўп учрайди – 23 та тур (50.0%), улар 4 туркум, 5 кенжа туркум, 12 оила, 15 авлодга мансуб. Кўрсатилган нематодаларнинг ҳаётий цикли айрим гуруҳлар оралик хўжайинсиз, бошқалари эса оралик хўжайиннинг иштирокида ривожланиши билан тавсифланади.

Acanthocephala синфи битта турдан иборат, ҳаётий цикли оралик

хўжайин иштирокида кечади.

«Кемирувчилар гельминтларининг экологик-эпизоотологик ва эпидемиологик аҳамияти» деб номланган бешинчи бобда табиий шароитларда ёввойи ҳайвонлар одам ва қишлоқ хўжалик ҳайвонларида учрайдиган кўплаб паразитар касалликларнинг ташувчилари ва резервуарлари ҳисобланиши асосланган.

Гельминтларнинг кўпчилик тури Ўзбекистоннинг ўрганилаётган минтақасида одам ҳамда уй ва овладиган (саноат аҳамиятига эга) ҳайвонлар инвазия касалликларини қўзғатувчилар ҳисобланади, шу сабабли паразитлар, бир томондан, табиий экотизимларнинг табиий комоненти, бошқа томондан эса, атроф муҳит биологик ифлосланиш омилидир. Одамлар билан ёнма-ён яшайдиган кемирувчилар катта эпизоотологик ва эпидемиологик аҳамиятга эга бўлган гельминт турларининг катта миқдори циркуляциясида иштирок этади. Кемирувчилар ва уларнинг паразитлари сони катта бўлганида атроф муҳитда инвазия элементлари кўп миқдорда тўпланади.



**4-расм.** Ўзбекистоннинг Шимоли-шарқий қисмида чорва моллари, саноат ҳайвонлари ва одам учун умумий бўлган кемирувчилар гельминтлари турлари (оригинал).

Шимоли-шарқий Ўзбекистоннинг урбанизацияга учраган экотизимларида кемирувчиларда тиббий-ветеринар аҳамиятга эга бўлган гельминтларнинг 13 та тури (28.2%) қайд этилди. Уларга цестодалар (10 та тур), трематодалар (1), скребнялар (1) ва нематодаларнинг (1) айрим вакиллари киради, бу ҳозиргача маълум бўлган ахборотларга мос келади. Ўзбекистон Шимоли-шарқиде тарқалган кемирувчилар гельминтофаунасини ўрганиш натижасида паразит чувалчангларларнинг қайд қилинган 13 та тури

биологиясига оид маълумотларни ҳисобга олган ҳолда қайд қилиш мумкинки, улар ривожланишнинг маълум босқичида қишлоқ хўжалик, овладиган ва саноат аҳамиятига эга бўлган ҳайвонлар, шунингдек одам организмида, турли органларда паразитлик қила олади (4-расм).

Тадқиқ қилинаётган минтақа биоценозларида паразит чувалчангларларнинг бир неча турининг циркуляциясида кемирувчиларнинг роли билан боғлиқ вазиятни қисқача тавсифланган. Кемирувчиларнинг кўплаб турлари табиий ва синантроп шароитларда ҳайвонлар ва одам учун умумий бўлган гельминтлар билан зарарланган бўлиб чиқди. Булар сирасига кемирувчилар вакиллари: сариқ ва реликт юмронқозик, олмахон, катта кўшоёк, Северцов кўшоёғи, қизил думли, катта ва тушги қумсичқон, уй сичқони ва кул ранг каламушни киритиш мумкин. Улар қишлоқ хўжалик, ёввойи ва овладиган-саноат аҳамиятига эга бўлган ҳайвонлар ўтлайдиган турли типлардаги ландшафтларда яшайди. Ҳайвонларнинг бу гуруҳлари ўртасида мунтазам алоқа кузатилади, натижада гельминтлар билан алмашинув рўй беради. Шу ўринда, умум томонидан эътироф қилинишича, кемирувчилар тегишли паразит чувалчанглар резервуарлари сифатида инвазиянинг табиий ўчоқларини тутиб туришда муҳим ўрин тутди. Ташқи муҳитнинг гельминтларнинг инвазия элементлари билан ифлосланган объектлари (сув ҳавзалари, яйловлар) ҳайвонларнинг бошқа гуруҳлари ва одамлар зарарланиши ҳамда паразитар касалликларнинг юзага келиш манбаси бўлиб хизмат қилади.

## ХУЛОСА

«Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий минтақаси кемирувчилар (Rodentia) туркумининг гельминтофаунаси, экологияси ва аҳамияти» мавзусидаги фалсафа доктори диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида куйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Шимоли-шарқий Ўзбекистон кемирувчилари гельминтларининг замонавий тур таркиби 4 синфга мансуб 46 турдан иборат бўлиб, улар таркибида цестодалар 17 тур, трематодалар 5 тур, акантоцефалалар 1 тур ва нематодалар 23 турни ташкил этади. Худуднинг паразит чувалчангларга бойлиги олмахон, сичқон, кумсичқон турлари ва биотоплар хилма-хиллиги билан изоҳланади

2. Кемирувчилар комплексида олмахонсимонлар гельминтофаунаси турлар хилма-хиллиги юқори бўлиб, 25 турни ёки умумий кемирувчи паразитлари фаунасининг 54.3% ни ташкил этади.

3. Ўзбекистон шимоли-шарқида гельминтларнинг устунлик қилувчи турлари оралик ва резервуар хўжайинлари иштирокида ривожланадиган паразит чувалчанглардан иборат ва худуд кемирувчиларидаги гельминтларнинг бошқа ҳайвонлар гуруҳлари билан биоценотик алоқалари кемирувчилар гельминтофаунасининг ҳозирги қиёфасини белгилаб беради.

4. Ўзбекистон шимоли-шарқидаги синантроп кемирувчилар – сичқонсимонлар (уй сичқони ва кулранг каламуш) гельминтлари турлар хилма-хиллиги ўзига хос бўлиб, гельминтофаунаси цестода, трематода ва нематодаларга мансуб 21 турдан иборат.

5. Минтақа гельминтофаунасида хўжайинлар билан топик ва трофик алоқаларга киришадиган паразитлар устунлик қилади, булар мос равишда 53.3% ва 42.2% ни ташкил этади. Фақат *Dipetalonema viteae* нематодалари оралик хўжайин (чивин) томонидан охирги хўжайиндан озикланиш вақтида (2.2%) унга ўтади.

6. Ўзбекистон Шимоли-шарқида тарқалган кемирувчилар гельминтлари умумий фаунаси вакилларида (46 та тур) фақат паразит чувалчангларларнинг 13 та тури ривожланишнинг маълум босқичида қишлоқ хўжалик, ёввойи-овладиган ҳайвонлар, шунингдек одам организмида, турли органларда паразитлик қила олади. Буларга *Hymenolepis*, *Dipylidium*, *Taenia*, *Hydatigera*, *Rodentolepis*, *Mesocestoides*, *Moniliformis*, *Dicrocoelium* ва *Syphacia* авлодлари вакиллари кириб, улар тиббий-санитар ва ветеринар аҳамиятга эга.

7. Ўзбекистон Шимоли-шарқи биогеоценозларида биз томондан аниқланган кемирувчилар гельминтларининг таксономик характеристикаси тақдим қилинди. Ҳар бир тур учун инвазия экстенсивлиги ва интенсивлиги ҳамда уларнинг Cestoda, Trematoda, Acanthocephala ва Nematoda синфларининг замонавий тизимидаги ҳолати аниқланиб, маълумотлар келтирилди.

8. Ўзбекистоннинг Шимоли-шарқий шароитида ҳайвонлар

антропооноз гельминтозларига қарши курашиш ва кемирувчилар  
гельминтофаунаси ҳамда касалликларининг олдини олиш бўйича ишлаб  
чиқилган чора-тадбирлар тиббий-санитария ва ветеринария хизматлари  
фаолиятида фойдаланиш учун тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.В.20.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ КАРАКАЛПАКСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**ХАМРОКУЛОВА ЗЕБИНИСО ХАМРОКУЛОВНА**

**ГЕЛЬМИНТОФАУНА, ЭКОЛОГИЯ И ЗНАЧЕНИЕ ОТРЯДА  
ГРЫЗУНОВ (RODENTIA) СЕВЕРО-ВОСТОЧНОГО РЕГИОНА  
УЗБЕКИСТАНА**

**03.00.06 – Зоология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Нукус–2020**



Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.2.PhD/В167.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на Веб-странице Научного совета ([www.karsu.uz](http://www.karsu.uz)) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** Сапаров Каландар Абдуллаевич  
доктор биологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Медетов Махсетбай Жапакович  
доктор биологических наук

Сафарова Феруза Эргашевна  
доктор философии (PhD) по биологическим наукам

**Ведущая организация:** Национальный университет Узбекистана

Защита диссертации состоится «06» октября 2020 г. в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.В.20.04 при Каракалпакском государственном университете (адрес: 230112, г. Нукус, ул. Ч.Абдирова, дом 1. Зал заседаний Каракалпакского государственного университета. Тел.: (+99861) 223-60-78, факс (+99861) 223-60-78, E-mail: [karsu\\_info@edu.uz](mailto:karsu_info@edu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Каракалпакского государственного университета (зарегистрирована за № 7). Адрес: 230112, г. Нукус, ул. Ч.Абдирова, дом 1. Тел.: (+99861) 223-60-78.

Автореферат диссертации разослан «22» сентября 2020 года.  
(реестр протокола рассылки № 3 от «22» сентября 2020 года.



**М.А.Жуманов**  
Председатель Научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
д.б.н., профессор

**А.И. Курбанова**  
Ученый секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
к.б.н., доцент

**Я.И.Аметов**  
Председатель Научного семинара при  
Научном совете по присуждению  
учёных степеней, д.б.н., доцент



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире последовательное развитие масштабов производства продуктов питания приводит к увеличению количества вредных биологических объектов связанных с ними. В этой связи особое значение имеют грызуны и организмы паразитирующие в них, так как изменения их количественных показателей в природе негативно сказываются на деятельности многих промышленных комплексов. Соответственно, изучение гельминтофауны грызунов и разработка мер борьбы с паразитами имеют актуальное научно-практическое значение.

В мире уделяется особое внимание научно обоснованным мерам по профилактике и уничтожению вредителей биологических объектов, в том числе грызунов и различных болезней, вызванных в результате их трансмиссии, а также их экономического вреда. В этом плане, в частности, проведена инвентаризация видов вредных грызунов, оценены факторы, влияющие на их динамику и разработаны меры борьбы с ними, исходя из особенностей деятельности сфер экономики и свойств локальных территорий. Следует особо отметить, что большинство видов грызунов выполняют функцию основных, промежуточных и дополнительных хозяев гельминтов, вызывающих серьезные гельминтозные заболевания у домашних и диких животных, а также людей, масштабы их вреда являются важными с эпизоотологической и эпидемиологической точек зрения, особенно на урбанизированных территориях. При этом, активный биологический ритм и репродукция грызунов на урбанизированных территориях приводит к быстрому распространению в окружающей среде паразитирующих у них гельминтов, активизации жизненного цикла, проявлению высокого уровня адаптивности к организмам различных хозяев и средствам борьбы с ними. Поэтому особое научно-практическое значение имеет изучение экологических и фаунистических особенностей паразитофауны грызунов, оценка значение гельминтофауны микромаммий в эпидемиологии и эпизоотологии гельминтозных микромаммий.

В настоящее время в нашей республике уделяется особое внимание охране здоровья населения, обеспечению эпидемиологической устойчивости, защите сельскохозяйственных животных от различных заболеваний. В этом плане, в частности достигнуты определенные успехи в совершенствовании мер по установлению и устранению паразитарных болезней. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан<sup>2</sup> обозначены конкретные задачи «последовательного развития секторов животноводства агропромышленного комплекса». Исходя из этих заданий, особое научное и практическое значение имеет, в частности, установление гельминтофауны грызунов Северо-восточного региона Узбекистана, оценка их экологии и значения, разработка мер по борьбе с ними.

---

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 07.02.2017 № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

Настоящее диссертационное исследование, в определенной степени, служит выполнению задач, предусмотренных Законом Республики Узбекистан «Об охране и использовании животного мира» от 19 сентября 2016 года, Указом Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», постановлением Президента Республики Узбекистан «О мерах по организации деятельности службы санитарно-эпидемиологического благополучия и общественного здоровья Республики Узбекистан», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

